Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 5 май сешанба

Сотувда эркин нархда № 90 (1871)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### "ЎзДЭУавто" АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ПОДШИПНИКЛАР

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги "Подшипник" акционерлик жамияти меҳнат жамоаси ташаббуси билан Ўзбекистон-Россия "Топаз" қўшма корхонаси барпо этилди. Янги корхона электродвигатель ва қишлоқ хўжалик техникаси учун ёпиқ подшипниклар ишлаб чиқаради.

"Топаз" қўшма корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотини шу йилнинг иккинчи ярмида бера бошлайди. Республика истеъмол бозори ўрганиб чиқилгач, қўшма корхона муассислари махсус ишлаб чиқариш майдони барпо этишга қарор қилдилар. Етказиб берилган дастлабки эҳтиёт қисмлар "ЎзДЭУавто" заводи мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Янги қўшма корхона туман маркази — Охунбобоев шаҳрида истиқомат қилувчи юз кишини иш билан таъминлайди.

**К.НИЗОМОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

## ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ҳурматли халқ ноиблари!

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилинган қонунларнинг шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан муҳокама қилинганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Чунки шу қонунларнинг моҳиятига ҳар томонлама етиб бориб, сиз депутатларнинг ва сиз орқали жамоатчилигимиз, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг бу масалага муносабатини инобатга олсак, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиладиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эгалигининг яна бир яққол тасдиғи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер кодексини, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биронта депутат қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапнинг далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилаётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди.

Умуман айтганда, бу қарорлар т ў р т т а м у ҳ и м м а с а л а н и е ч а д и.

Б и р и н ч и м а с а л а - бу қишлоқ хўжалигида мулк масаласидир.

И к к и н ч и м а с а л а - деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи.

У ч и н ч и м а с а л а - бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.

Т ў р т и н ч и, э н г м у ҳ и м м а с а л а, мен алоҳида урғу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа — мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ана шу масалаларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, ўйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз. Лекин ҳозирча қилган ишимиз — бу борада қилиниши зарур бўлган ишларнинг фақаттина 50 фоизидир.

Яна такрор айтаман, бу ишнинг ярми, холос. Бунда мен нимани назарда тутяпман? Кимки, мана, қонунларни қабул қилдик, эртага қишлоқ хўжалик соҳасида мутлақо бошқача ҳаёт бошланади, эртага ўз-ўзидан ишимиз бошқача ташкил қилинади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бошқача услуб ишлатилади, деб ўйласа, бу жуда катта хато бўлади. Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни — бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак. Агар эртага, бу бизнинг тажрибамизда бор, тарихимизда бор, мана энди қонун қабул қилинди, деб кампаниячиликни бошласак, вилоятларда, туманларда кечаги колхозларни тезлик билан ширкат хўжалигига айлантириш, тузиш масаласида мусобақага ўтиб кетсак, бу ҳозир қабул қилинган қарорларни бутунлай обрўсизлантирадиган қадам бўлади.

Такрор айтаман: агар биз шошилиб, пала-партиш иш тутиб, масаланинг у ёқбу ёғини чуқур ўйламасдан, етарли шароит ташкил қилмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан ширкат хўжаликларини тузишга ўтсак, мен яна бир бор сизларга қарата, сиз орқали бутун халқимизга, деҳқонларимизга қарата айтмоқчиман, бу мутлақо нотўғри, аҳмоқона иш бўлади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир муҳим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

**Биринчи шарт шундан иборатки**, мана шу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганда, жойлардан жуда кўп хатлар, тавсиялар, одамлар ўз муносабатини билдирган изоҳлар, маърузачи таъкидлаганидек, уч мингдан ортиқ таклиф тушди. Шу масала телевидениеда муҳокама қилинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан деҳқонлар қўнғироқ қилиб шу масалаларга қизиқиш билдирди. Баъзи бир моддаларни тушуниш, англаш бўйича турли саволлар беришди. Бу ҳам одамларнинг шу қарорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, **жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим**. Авваламбор, муҳим қонун бўлмиш "Ер кодекси"ни, нафақат деҳқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин.

**Иккинчи шарт шундан иборатки**, ишни шу қонунлар асосида ташкил қилмоқчи бўлсак, жойларда ишлайдиган, маҳсулот етказиб берадиган, қадоқ қўллари билан бизларни боқадиган деҳқон қонунни жорий этишда албатта қатнашиши, ўз фикрини билдириши керак. Тепадан туриб кўрсатма бериш билан иш битмайди. Хўжалик тақдирини фақат раҳбарлар, бригадирлар, звено бошлиқлари, мутахассисларни тўплаб, тор даврада ҳал этсак, қарор қабул қилсак, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларимизни бутунлай йўққа чиқарган бўламиз.

Яна такрорлайман: **ислоҳот жараёнида оддий деҳқон албатта қатнашиши, масалалар моҳиятини чуқур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ҳаётига, оиласи, хонадонига нима беришини аниқ билиши шарт. Мулк шаклини ўзгартириш мусобақага айланмаслиги керак.**

Яна бир муҳим масала. Ер ҳажми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўляпмиз. Эрта ширкат хўжалигига айланадиган жамоа хўжалиги бойлигини қандай аниқлаймиз? Хўжаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошқа техника турлари, иморатлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амортизацияга қараб техника баҳосини белгилаш мумкиндир, лекин ернинг баҳосини қандай аниқлаймиз? Андижонда ер қанча туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда қандай меъёрларга амал қилиш керак? Буни алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Ер кодексини қабул қилдик, ер кадастрини эртага тасдиқлаймиз. Лекин бу қонунларда кўрсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат қилади? Ер кадастри устидан назорат қилувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сўраб-суриштирувчи, пайдо бўлаётган масалаларни холисона ҳал қилувчи, жамоатчилигимиз эътиборини шунга жалб қилувчи масъулиятли махсус бир ташкилот — қўмита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат қилувчи орган керак.

Деҳқон хўжаликлари тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Деҳқон хўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўляпти? Авваламбор, томорқалар заминида. Бу масала бўйича ҳозир қабул қилган қонунимизда деҳқон хўжаликлари бўйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда керакли шарт-шароит борми-йўқми, буни ҳам тўғри тушуниб ҳал қилишимиз керак.

Бу масалани ечишда ҳамма жойда авваламбор адолат бўлиши керак. Ер ажратишда бир деҳқон хўжалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига ҳеч нарса бермаслик - бу адолатни бузиш дегани. Эртага норозилик келтириб чиқарадиган қарор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни ҳар томонлама, пухта ўйлаб кўришимиз керак.

**Деҳқон хўжалигининг асосий мақсади**, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон хўжалиги эртага маҳсулот — товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, шу масалада давлатнинг юкини енгил қилади. Деҳқон хўжалиги ўзини-ўзи боққан тақдирда ҳам бундай хўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор. Шу билан бирга, бугун деҳқон хўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг эгаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратяпмиз. Шу тадбир, йўллар билан ишсизликнинг олдини оляпмиз. Буни ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушунтиришимиз керак.

(Давоми 2-бетда)



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Сикорски Эйркрафт" компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда "Юнайтед Текноложиз" корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Ҳаркинни қабул қилди.

"Юнайтед Текноложиз" АҚШнинг етакчи саноат корпорацияларидан биридир. Унинг таркибига "Сикорски Эйркрафт", "Партт энд Уитни", "Отис", "Карьер", "Гамелтон стандарт", "ЮТ Автомотив" каби йирик компаниялар киради. "Сикорски Эйркрафт" эса савдо-сотиқ, саноат ҳамда замонавий вертолётлар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради.

— Биз "Сикорски Эйркрафт" компаниясининг салоҳиятини яхши биламиз,— деди Президент.— 1996 йили АҚШга сафаримиз чоғида бу компания фаолияти билан яқиндан танишган эдик. Ўйлайманки, мазкур ташриф "Сикорски Эйркрафт"ни яна ҳам яқинроқ билиш учун имкон беради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан Америка компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

АҚШнинг "Сикорски эйркрафт" компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда "Юнайтед Текноложиз" корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Ҳаркин Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон корхоналари билан "Юнайтед Текноложиз" корпорацияси, хусусан, "Сидорски эйркрафт" компанияси ўртасида авиация техникаси борасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи А. Рўзматов иштирок этди.

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нарешвар Даял бошчилигидаги делегация аъзолари ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада равнақ топишида ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нарешвар Даял бошчилигидаги делегация аъзолари Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида ташкил этилган ҳинд фотокўргазмасининг очилиш маросимида ҳам қатнашдилар.

Тадбирларда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мелкулангара Кумаран Бхадракумар иштирок этди.

## "УСТОЗ": ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

**Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида "Устоз" республика жамғармаси фаолиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари, илм-фан намояндалари, жамғарма фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Брифингни ташқи ишлар вазири А. Комилов бошқарди.

Тадбирда "Устоз" бошқаруви раиси С. Ғуломов жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон раҳбарияти миллий кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаётир. Зеро, мустақил давлатнинг келажаги биринчи навбатда ёшларга, уларнинг қай даражада билим олиши, малака эгаллашига боғлиқ. Шу маънода Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилингани буюк келажак йўлидаги хайрли ишлардан бири бўлди. Ўтган йилнинг декабрь ойида эса, мазкур дастурнинг амалга ошишига кўмаклашиш мақсадида, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан "Устоз" республика жамғармаси ташкил топди. Унинг асосий мақсадлари сирасига таълим соҳасида ривожланган давлатлар тажрибасини ҳамда янги педагогик технологияларни ўзлаштиришни қўллаб-қувватлаш, чет элда тажриба орттириш, малака ошириш, қайта тайёрлов курсларини ўташни ташкил этиш сингари муҳим тадбирлар киради. Жамғарма чет элдаги таълим марказларига юбориш учун педагог кадрлар кўригини ташкил этиш билан шуғулланади, таълим тизимини ахборот билан таъминлайди, ишга чет эллик мутахассисларни жалб қилади.

Гарчи, ташкил этилганига кўп бўлмаган эса-да, "Устоз" амалга оширган ишлар кўзга кўриниб қолди. Ҳозирги кунда унинг қирққа яқин ҳомийси бор. Улар орасида давлат ва жамоат ташкилотлари, қўшма корхоналар алоҳида ўрин тутади. АҚШ, Германия, Малайзия, Жанубий Корея сингари қатор давлатлардаги илм масканлари билан алоқа ўрнатилган. Жамғарма март ойида таълим тизимини такомиллаштириш, бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш мавзуига бағишланган семинар ўтказди. 10 апрелдан эса, ташкилотнинг вилоятлардаги бўлимларида кўрик танловлар бошланди. 850 дан ортиқ грант таълим соҳасида фидойилик кўрсатган, ўз касби ва маҳоратини намоён этган малакали мутахассисларга тақдим этилади. Бундан ташқари, жамғарма ташаббуси билан шу ой охирида 40 нафар мутахассис қайта тайёрлаш курсларини ўташ ва хориж тажрибасини ўзлаштириш учун чет элларга юборилади.

Брифингда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

**Юртимиздаги деҳқон аҳли шукрона айтиб, астойдил меҳнат қилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шубҳасиз, бу меҳнат янада самарали бўлишидан ҳар биримиз манфаатдормиз. Ғалла майдонлари ҳам, гектарлар ҳосилдорлиги ҳам кўпайиб, ошиб бораверишига ишонамиз. Чунки, бир вақтлар деярли унутилаёзган ғаллачилик мактаби қайта тикланди, бир қатор жойларда дончиликнинг ўз усул ва анъаналари яратилди. Демак, йилдан йилга ризқ кўпаяди, халқимиз фаровонлиги ошиб боради. Булар ҳар қанча таҳсинга лойиқ.**

## ЖАРИМАСИ ЭМАС, ДОНИ ЗАРУР

Бироқ, мен нима ғамда-ю, сен нима ғамда, деган таъна сўзлари қилмишига мос келаётган инсонлар ҳам орамизда борлигидан баъзан лабингни тишлаб қоларкансан киши. Бундайлар ғалла нобуд бўлса, юртимизга зиёнку дея ўйлаб кўришмаётгани жуда ачинарли ҳол.

Мана масалан, I-«Боёвут» ширкатлар уюшмасининг 8-бўлимидан Анорбой Хўжақовнинг 6 бош қорамоли қўшни «Ғаллакор» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Т. Мусурмонқулов бошлиқ бригаданинг ғўза қатор орасига экилган ғалласини еб, 20 сотихдаги майсаларни пайҳон қилиб юборган. Юқоридаги аҳволни кўриб, бошқа мол эгалари «ие, Анорбойнинг шунча моли бемалол юрганида бизнинг икки-учта мол далага сиғмайдими», дейишганми, ишқилиб, уюшманинг шу бўлимидаги Жонтўра Бердиқуловнинг уч бош, Ҳасан Элмуродовнинг икки бош, Иброҳим Бердиқуловнинг уч бош қорамоллари «Ғаллакор»нинг ғаллазоридан қўноқ топишган.

«Ғаллакор»нинг ғалласини моллар фақат четдан келиб ебди, дейиш инсофдан бўлмас. «Ғаллакор»лик Ислом Усмонов ва Хоримбой Мирзақуловлар ҳам жами 6 бош қорамолларини далага қаровсиз ҳайдаб юборишган.

Энг кўп ноинсофлик ҳолатлари I - «Боёвут» ширкатлар уюшмасида қайд этилган. Агар қўшнилар экинини молга шунчалик пайҳон қилдириб қўйишган бўлса, ўзларида аҳвол қандай экан, деб ўйларсиз. Аҳвол жуда ваҳима қиладиган даражада. Туман судига йил давомида ғалла майдонининг пайҳон қилиниши ҳолати бўйича 37 маъмурий иш келиб тушган ва 49 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланган бўлса, шулардан салкам ярми I-«Боёвут»дан. Ушбу хўжаликдаги Ориф Зокиров, Йўлчи Турдибоев, Баҳриддин Умматов, Гулнора Жумабоева, Ибодат Жонзоқова, Жумабой Сатторов, Шавкат Мирзакаримов ва бошқаларнинг моллари қаровсизлик оқибатида ғаллани еб, босиб пайҳон қилган.

Масъулиятсизлик бобида I-«Боёвут»ликларга дарс берадиганлар У. Юсупов номли ширкатлар уюшмасидаям топилиб қолди. Уюшмадаги Баҳодир Раҳмонқулов, Валерий Тожиев, Рустам Сувонов, Ҳайдар Ярашевлар молларининг «қилмиши» учун ўзлари жавоб беришларига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан буён уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўтган давр ҳуқуқ-тартибот идоралари Фармоннинг моҳият-мақсадини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ва ижросини таъминлаш бўйича тинимсиз иш олиб боришмоқда. Бу ўз самарасини бераяпти. Бироқ шарт-шароитни билатуриб, ундан кўз юмиб ўтишга ҳаракат қилаётганлар ҳам учраётгани афсусланарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши биламизки, бундан саккиз-ўн йил аввал далалар кеч куздан баҳоргача бўш ётарди. Чала шудгорланган ёки шудгорланмаган ғўзапояли майдонлар, бедапоялар, ариқ-зовур бўйларида мол-қўйлар олти ой қаровсиз юриши мумкин эди. Энди экин майдонларининг анча қисмида кузги буғдой майсалари ўсаяпти. Бу биринчи йил эмас, ахир етти-саккиз йилдан буён такрорланаяпти. Демак, шахсий чорва эгалари ҳам аллақачон ношудликни ёш болаларига тўнкаб баҳона излашдан уялишлари керак. Яна бир фикрни тўғри англаб олишлари зурурки, элюртга бундайларнинг жаримаси эмас, бўлиқ кўчатли ғаллазорлар, бошоқлари тўлиқ дон, демак тўкин ризқ-рўз зарур. Бизнинг ниятимиз ушбу мақсад йўлида барча баробар жон куйдириб яшашига эришишдир.

**Ҳусанбой МУЛЛАЖОНОВ,**
**Сирдарё вилояти, Боёвут туман суди раиси.**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Республика Марказий банки бошқарувининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида жорий йилнинг биринчи чораги якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 апрелдаги йиғилишида банклар зиммасига юклатилган долзарб вазифалар муҳокама этилди, деб хабар беради Марказий банк Матбуот хизмати.**

Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарган мажлисда жорий йилнинг ўтган даврида инфляцияга қарши қаратилган, молиявий барқарорлик ва пул муомаласини мустаҳкамлашга йўналтирилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилгани қайд этилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда қатъий пул-кредит сиёсати юритилаётгани самарасидир.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 марта пасайди ва унинг ўртача ойлик ўсиш суръати 2,4 фоизни ташкил этди, —пул массасининг ўртача ойлик ўсиш суръати 19 фоизга тенг бўлди ва у 1997 йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баравар пасайди. Чорак якунлари мамлакатимизда пул муомаласи янада барқарорлашганини кўрсатмоқда. Чунончи, ўтган ойларда муомаладан ортиқча нақд пул олишга эришилди, пировардида нақд пул эмиссиясига умуман йўл қўйилмади.

Шу билан бирга айрим ҳудудларда нақд пул эмиссиясини қисқартириш борасида етарлича чора-тадбирлар кўрилмаяпти ва бу борадаги имкониятлар тўлиқ сафарбар этилмаяпти.

Бугунги кунда тижорат банклари раҳбарларининг эътибори тўлов интизомини мустаҳкамлаш масаласига қаратилмоғи лозимлиги уқтириб ўтилди. Хусусан, дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳамон камаймаётгани, зарар кўриб ишлаётган корхоналар фаолияти чуқур таҳлил этилмаётгани, тайёр маҳсулотлар қолдиғи катта миқдорларни ташкил қилаётгани ва бу муаммони ҳал этишда банкларнинг аҳамияти сезилмаётгани таъкидланди.

Шундай экан, банклар йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, вазирлик, уюшма ва концернлар билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини ошириш ҳисобига валюта тушумини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида биргаликда иш олиб бориб, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш ҳамда Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб бормоғи лозим.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШ ЙЎЛИДАН

**Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Александр Пацев «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб беради**

**— Ҳукумат делегацияларининг расмий ташрифлари, олий даражадаги музокаралар чоғида истиқбол режалари кўрилади, шу билан баробарида маълум бир давр ичида амалга оширилган ишларга якун ҳам ясалади. Тўрт йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига расмий ташрифи бўлган эди. Сизнингча, ўтган вақт ичида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни қандай баҳолаш мумкин?**

— Қисқача қилиб айтадиган бўлсам, ўтган йиллар мобайнида Россия ва Ўзбекистон ўзаро қўшничилик муносабатларини сақлаб, уни янада мустаҳкамладилар, кўп соҳаларни қамраган нуфузли икки томонлама алоқалар йўлга қўйилди.

Диққат билан ортга назар ташланса, кўплаб ҳукумат тузилмаларининг, ташқи сиёсат идораларининг, икки мамлакат элчихоналарининг, ишбилармонларнинг, фан, маданият ҳамда жамоатчилик вакилларининг ушбу йўналишда фаол иш олиб борганликларини пайқашимиз мумкин. Элчи бўлиб тайинланганимга сал кам бир йил бўлибдики, узлуксиз учрашувлар, ташрифлар, музокаралар хотирадан кўтарилмайди. Тўғри, хўжалик, савдо, илмий-техника алоқалари хоҳлаганимиздек тез ривожланмагандир.

Бир йўналишда, таъкидламоқчиманки биргаликда озмунча йўл босиб ўтилгани йўқ. Юзга яқин қўшма ҳужжатлар имзоланди. Улар ўзаро ҳамкорлигимизнинг бундан буёнги ривожи учун ҳуқуқий ва амалий асосни ташкил этади. Давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорликнинг асослари тўғрисидаги шартнома эса муносабатларимизнинг тамал тошидир. Умуман олганда, ушбу барча ҳужжатлар ўзида кўплаб ғояларни жамлаган иқтисодий интеграция ва сиёсий ҳамжиҳатликни чуқурлаштирилишига йўналтирилган. Аммо аҳдлашувдан унинг рўёбга чиқиши ўртасидаги масофа яқин эмас. Айрим битимлар амалиётга кўчмади ёки лозим даражада ишламаяпти. Эҳтимол уларни рўёбга чиқариш механизмларининг ўз вақтида ишга тушмагани сабаб бўлгандир. Ҳозирги даврда Россия ва Ўзбекистонда, албатта айрим қийинчиликлар бор.

Ўйлашимча, ушбу қийинчиликларни ҳал қилиш ва ечиш борасида икки томоннинг интилиши бўлса бас, уларни енгиш мумкин. Афтидан, баъзи қўшма ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, уларнинг қайсилари ишлаяпти, қайсилари ишламаяпти ва нима сабабларга кўра ишламаётганига баҳо бериш вақти келди.

Сўнгги йилларда Россия ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги устуворлиги кўзга ташлана бошлади, шунингдек, бизнинг мамлакатларимиз дунёда ўз ўрнини топа бошладилар. Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг асосий давлати деб билади. Россия Ўзбекистон раҳбариятининг минтақанинг барча мамлакатларида хавфсизлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишига йўналтирилган кўплаб ташқи сиёсий ташаббусларини, хусусан Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини олқишлайди.

**— Ўзбекистон Президентининг Москвага ташрифи Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари учрашувидан бир неча кун кейин бошланади. Сўнгги вақтларда МДҲга нисбатан шу жумладан рус матбуоти саҳифаларида ҳам кўплаб танқидий муносабатлар билдирилмоқда. Улар қанчалик ҳақиқатта яқин? Сизнингча, МДҲнинг фойдаланилмаган имкониятлари қандай ва уларни қай йўсинда ва қайси йўналишда ҳаракатта келтириш лозим?**

— Аввалгидек ҳамдўстликни танқид қилишга асослар етарли. Асосий камчилик менинг фикримча, ягона универсал маъқул келадиган концепция, мустақил давлатларнинг МДҲнинг яратувчанлик салоҳиятига яқин йўлларининг йўқлигидадир. Ахир «замонавий ажрашиш» жараёни деярли ҳеч қандай изтиробсиз муваффақиятли якунланди. Аммо хўжалик, инсонпарварлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги давлатлараро муносабатларни тўлақонли йўлга қўйишнинг имкони бўлмаяпти. Зеро, бақувват саноати, технологияси, иқтисодини ҳам қўшиб олганда Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги мажмуи Ҳамдўстлик мамлакатлари, хусусан Россиянинг ишлаб чиқариш кучларига мўлжалланган. Аммо ушбу имконият тўлиқ ишлаётгани йўқ. Бу ўзаро муносабатларимизнинг суст бўғинидир. Ахир молия-саноат гуруҳлари, холдинглар ҳаракатни бошласинлар. Минтақалар ўз сўзларини айтсинлар.

МДҲнинг Москва анжумани олий даражадаги Россия—Ўзбекистон учрашувлари арафасига тўғри келди. Анжуманнинг аҳамияти катта бўлиб, кўплаб саволларга жавоб берилди, чўзилиб кетган ноаниқликдан чиқиш йўлларини белгилаб берди. Ҳамдўстликнинг улкан салоҳияти борлиги барча иштирокчи мамлакатлар томонидан эътироф этилмоқда. Шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг расмий ташрифи нафақат икки томонлама Россия—Ўзбекистон муносабатларини, балки икки томон учун МДҲни янгилаш ғоясини кўриб чиқиш имконини беради.

**— Апрель ойида Тошкентда Свердловск вилояти корхоналари маҳсулотларининг кўргазмаси муваффақиятли ўтди, ураллик саноатчиларнинг обрўли делегацияси самарали иш олиб борди. Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги турли даражаларда фаол ривожланиб бормоқда, ҳаётнинг ўзи унинг янги шаклларини кўрсатиб бермоқда. Сизнинг фикрингизча, уларнинг қайси бирлари яхши истиқболга эга?**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Свердловск вилояти губернатори Э. Россель келишувлари туфайли ўтказиш имкони туғилган ўрта Урал корхоналари маҳсулотлари кўргазмаси бу Россия минтақалари билан Ўзбекистон хўжалик тузилмалари ўртасидаги ишчан алоқаларнинг кенгайиб бораётганлигидан далолатдир. Шубҳасиз, бу ишлаб чиқарувчилар ўртасида воситачисиз, тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш имконини берувчи ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишнинг самарали шаклларидан биридир.

Масалан, кўргазма давомида свердловликлар томонидан умумий қиймати 60 млн. долларни ташкил этувчи замонавий тиббиёт ускуналари, насослар, бурғулаш асбоблари учун эҳтиёт қисмлар, темир йўл ҳаракат составлари, шаҳар транспорти подстанциялари учун ускуналар ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бошқа маҳсулотларни етказиб беришга мўлжалланган ҳужжатлар имзоланди. Кейинчалик ҳамкорликда учинчи давлатларга сотишга мўлжалланган электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ўзбек томони билан Екатеринбургда Ўзбек Савдо уйини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда шерикликнинг бошқа шаклларини таъкидлаш мумкин. Улар орасида шубҳасиз, энг муҳимлари қаторига сони аллақачон 230 дан ошиб кетган Ўзбекистон—Россия қўшма корхоналарини келтириш мумкин. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ корхона юз фоиз Россия сармояси билан ишламоқда. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам юқори суръатлар билан ишлаётгани йўқ, уларнинг аксарияти ўз ихтисосига кўра тижорат-воситачилик хизматларини бажармоқдалар. Аммо уларнинг орасида республика ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётганлар ҳам оз эмас.

Мамлакатларимиз ўртасида эришилган ташқи иқтисодий алоқалар даражасини қуйидаги рақамлар тасдиқлайди: 1997 йил якунларига кўра, маҳсулот айланмаси 1,6 млрд. доллардан ортиқни, яъни республиканинг хорижий мамлакатлар билан савдоси умумий миқдорининг 18 фоизини ва МДҲга аъзо давлатлари билан бўлган умумий савдонинг 54 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Бу кўрсаткичларни баҳолай туриб, албатта, Россиянинг "Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларида муҳим ўрин эгаллашни давом эттираётганидан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Бироқ икки томон мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий имкониятлари ҳали кўп, деб ҳисоблади. Биргина Свердловск вилояти билан яқин йилларда товар айланиши 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Умид қиламизки, мавжуд муаммоларни, шу жумладан ўзаро ҳисоб-китоблар соҳасидаги муаммони биргаликда ҳал этиб, уни янада юқори даражага кўтара оламиз.

**— Иқтисод бу шундай асоски, ҳар қандай давлатлараро муносабатлар шу асосда барпо этилади ва ривожланади. Сизнингча, Ўзбекистон—Россия ҳамкорлигининг муваффақиятли ривожи ва чуқурлашуви учун қайси соҳа ва иқтисоднинг аниқ тармоқлари устувордир?**

— Ҳақиқатан, иқтисод — бу давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Бу жиҳатдан Россия ва Ўзбекистон истисно эмас. Бу соҳада ҳамкорлик қилишнинг қамрови ниҳоятда кенгдир, у коинотда тадқиқотлар олиб бориш, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш, самолётсозлик, нефть ва газ, кимё, машинасозлик, электротехника соҳаларида ва бошқа қатор тармоқлардан бошлаб, тарифлар соҳасида келишув сиёсатлари, юкларни ташиш ва сақлашни ташкил этиш, экспорт-импорт амалларини амалга оширишда ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш масалаларини ўз ичига олади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатлик масалаларининг муваффақиятлари ҳал этилишида мунтазам ўтказиб келинаётган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияси мажлислари муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига ташрифи Ғалаба байрами арафасида бўлаётган экан, мен, фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчиларини, меҳнат фахрийларини бу катта байрам билан табриклаб, уларга ва барча Ўзбекистон халқига бахт-саодат, порлоқ келажак тилайман!

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### "КОММЕРЦБАНК" ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Германиянинг уч йирик банкидан бири саналган "Коммерцбанк" Тошкентда ўз ваколатхонасини очишига рухсат берди.

Республика Марказий банки Матбуот хизматининг хабар беришича, Ўзбекистон корхоналари билан мазкур банк ўртасидаги алоқалар яхши йўлга қўйилган. Мисол тарзида, ўтган йили Шўртан газ-химия комплексига Германиядан келтирилган асбоб-ускуналарга айнан шу банк хизмат кўрсатган эди.

Ваколатхона Ўзбекистон—Германия ўртасидаги ташқи савдо алоқалари бўйича мижозларга кенг кўламда маслаҳат хизмати кўрсатади, корхоналар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш билан шуғулланади. Муайян лойиҳаларни молиялаштиришда банкнинг Германия ва бошқа мамлакатлардаги мижозларини жалб этади, уларни мамлакатимиз иқтисоди, банк-молия тизимида рўй бераётган ўзгаришлар билан таништириб боради.

Айни пайтда Ўзбекистонда 12 хорижий мамлакат банкларининг ваколатхонаси ишлаб турибди.

**(ЎзА)**

### «ПИРУЗ-ЛОРЧ»НИНГ МЕБЕЛЛАРИ

«Пируз-Лорч» қисқа муддат ичида ўз харидорларига эга бўлди. Самарқанд туманида бундан икки йил аввал ташкил этилган бу ўзбек-эрон қўшма корхонаси эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 40 фоизини экспортга чиқармоқчи. Европа андозаларига мос турли хил юмшоқ мебеллар ҳар қандай хонадонга чирой бағишлайди.

**Ғули ЧЕҲРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БАХШИЛАР ТАНЛОВИ

Деҳқонобод туманидаги Гумбулоқ қишлоқ қирларида бахши шоирларнинг "Алпомиш" достонининг минг йиллигига бағишланган кўрик-танлови бўлди. Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими билан биргаликда ташкил этган бу тадбир улкан халқ сайлига айланиб кетди.

Танлов қатнашчилари термалар,"Алпомиш" достонидан парчалар ижро этди. Деҳқонобод туман маданият уйи қошидаги "Қўнғирот" ва "Алпомиш" фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари сайлга алоҳида файз бағишлади.

Кўрикда машҳур бахши Қодир Раҳимовнинг ўғиллари Абдимурод ва Баҳром бахшилар биринчи ва иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин У.Юсупов туманидан Қўйли бахши Хўжаназаров ва Деҳқонобод туманидан 5-синф ўқувчиси Муҳиддин Хўлтўраевга насиб этди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## КЎНГИЛДА МУҲАББАТ БИЛАН



# ГУЛХАН ЁНИДА ЎТИРГАН МЎЙСАФИД

**Ўрта бўйли, озғин, чўққи соқоллари қордек оқарган бу отахон гапирганда баъзан чап кўзини қисиб олади. Завқланиб кетса, кафтини кафтингизга оҳиста уриб қўяди. Етмиш уч ёшида «Пишағар булоқлари» номли китоб ёзган Ўрол ота Жўраев «қалби гўзал» деган таърифни кўп ишлатади. Ажаб, отахон бу сўзни одамларга, арчаларга, булоқларга, ҳатто қушларга нисбатан ҳам ҳеч тортинмай қўллайверади.**

**— Ўрол ота, ўттиз беш йил ҳисобчига ёрдамчи бўлиб ишлабсиз. Маълумотингиз 7 синф экан. Қандай қилиб китоб ёзишга қўл урдингиз? Икки ҳунарнинг фарқи осмон билан ерча-ку?**

— Ичимда «Ўролбой, қўй шу ишингни, тенг-тўшингга қўшилиб тўй-маъракаларга бор. Қариганингда оёғингни узатиб ҳордиқ чиқар...» деб ўйлаган пайтларим кўп бўлган. Эртасига эса яна қандай қилиб қўлимга қалам олганимни билмай қолардим. «Бобурнома»да Самарқанддан 16 тош олисликдаги сербулоқ, ҳавоси тоза Пишағар қишлоғи, бу музофотда яшаган халқларнинг босқинчиларга қарши олиб борган курашлари ҳақида битиклар бор. Эҳтимол, менга мана шу эътирофлар, улуғ бобокалонимиз Бобур Мирзонинг руҳлари мададкор бўлгандир...

**— Эшитишимизга қараганда, «Пишағар булоқлари» учун беш йил материал тўплабсиз?!**

— Шундай. Сирдарё ва Жиззахдаги газетачиларга раҳмат. Улар китобимни минглаб ўқувчиларга етказишди. Ўша кунлари оёғим ерга тегиб-тегмай юрди...

**— Китобга нима учун «Пишағар булоқлари» деб ном қўйгансиз? Ахир унда Самарқанд ва Бухоро, Зомин ва Ўратепа ҳақидаги ривоятлар, ҳикоятлар ўрин олган. Қолаверса, китоб эрамиздан аввалги воқеаларни ҳам акс эттирган.**

— Ҳамма ривоят ва ҳикоятлар, воқеа ва ҳодисалар Пишағардан бошланиб шу қишлоқ таърифига, унинг ҳозирги кунларига келиб боғланади. Китобга беш йил ҳужжат тўплаган бўлсам, уни уч йил боғларда, кутубхоналарда ўтириб ёзганман. Пишағарда мингдан зиёд хонадон бор. Унинг сойларида мингдан зиёд булоқлар қишин-ёзин қайнаб ётади. Юз йилнинг ичида бу қишлоқдан элга танилган мингга яқин чавандоз, полвон ва зиёли одамлар етишиб чиққан. Китобнинг анча қисмини Молгузар ёнбағридаги қишлоқларнинг таърифи, у ерда яшаб ўтган одамлар ва улар қилган ишлар эгаллайди. Далаларга, чўққиларга, уларнинг номларига алоҳида тўхталганман. Дарахт, бута, ўтўланлар, уларнинг табобатда қандай қўлланиши лозимлиги тўғрисида тўпланган фикрлар бор. Битта мисол. Молгузар тоғлари бошланадиган жойда Қоқ деган ковак бор. Қоядаги бу ковакдан бир пиёла сув олиб ичсангиз зум ўтмай у яна тўлиб қолади. Сувнинг қаёқдан сизиб келишини, қандай пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди. Ёки «Бозорбойқулоч» деган жойнинг тарихига назар ташлайлик. Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн аскарлари билан сон жиҳатдан тенгсиз жанг олиб борган тоғликлар асирга тушиб қолишади. Ана шунда босқинчилар дарадаги тошларни кўрсатиб «Ичларингдан кимки шу дарадаги тошларга қулочини ёзиб қўлларини текказса, омон қоласизлар. Акс ҳолда ҳаммаларингни ўлдирамиз», дейишади. Бозорбой исмли чўпон йигит ўртага чиқиб қулочларини ёяди. Бироқ, унинг қўллари икки томондаги қояли тошларга тегмайди. Шунда бирдан тошлар қисирлаб чўпон сари силжийди. Душманлар бу ҳодисадан бир зум қотиб қолишади. Ва асирларни озод қилишдан ўзга чоралари қолмайди. Шу-шу бу даранинг номи Бозорбойқулоч бўлиб қолади.

**— Китобингизда рус босқинчилари тўғрисида, «босмачилик ҳаракати» ҳақида ҳам катта-катта боблар бор экан...**

— Болаларимиз, невараларимиз кечаги кунларни, узоқ ўтмишни яхши билишлари, кўнгил чиғириғидан ўтказишлари керак. Руслар асл ватанпарварларни «Босмачи» деб аташган. Нима, ўзбеклар бировнинг юртига бостириб боришдими? Ўз Ватанини ҳимоя қилганлар босмачи бўладими? Бир эътибор беринг, Туркистонни забт этганлар ўта қув, ўта маккор бўлишган. Одамларга катта-кичик амал ва вазифаларни тақсимлаб бериб «Мана, сизлар ўз юртларингнинг ҳақиқий хўжайини бўлдиларинг. Босмачилар эса буни кўролмай, аламига чидолмай, сизларга қарши курашяпти. Совет ҳукумати тўла ғалаба қозонгач, бизлар ўз юртимизга кетамиз. Бунинг учун биринчи галда босмачиларни тугатиш керак» дея ташвиқот юргизишган. Аслида эса улар узоқни кўзлаб режа тузишган. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳолдир. Пахта далаларидаги оғир меҳнат, еган бир бурда миннатли нонимиз бунинг гувоҳи эмасми? Ҳақ-ҳуқуқимизнинг топталгани, хўрлик ва зорлик кўрганларимиз ўша сиёсатнинг исботи эмасми? Китобда ҳақиқий босқинчиларнинг башарасини очишга қўлимдан келгунча ҳаракат қилганман.

**— Демак, «Пишағар булоқлари» китобини ҳам тарихий, ҳам жуғрофий, ҳам маънавий масалалар қамраб олинган асар десак бўлади.**

— Ўғлим, бу китобни асар-пасар деб мени хижолатга солманг. Бир кун келиб саховатли, ҳимматли одамлар кўмагида у иншоолоҳ ўқувчи қўлига етиб борар. Ҳозир иккита ниятим бор. Бири — ёзганларимнинг китоб бўлиб, авваламбор, Пишағар қишлоғига тарқалиши бўлса, иккинчиси Молгузар тоғлари чўққиларида яна бир бор Йўлдош Нуралиев, Норбой Очилов деган жўраларим билан ёнбошлаб гулхан ёқишдир. Ахир, улар бир неча йил тузқоқи гўшт чайнаб, ёнимда юриб, менга мададкор бўлишган...

Молгузар чўққиси. Тун. Арчанинг қуриган шохларидан гулхан ёнмоқда. Уч мўйсафид чўққа кўмилган картошкани чўп билан у ёқ-буёққа ағдариб оҳиста гурунг қилишмоқда. Пастда Пишағар чироқлари порлайди. Ундан у ёғида яна қанчадан-қанча қишлоқлар, шаҳарлар, дарё-ю далалар ястаниб ётибди.

Мен нима учун Ўрол ота Жўраев ҳақида бунчалар кўп ёздим? Нега унинг юрт ҳақидаги муҳаббатини бу қадар кўп таъриф-тавсиф қилдим? Қалбим амри бунга ундади. Чунки юртга муҳаббат, одамларга муҳаббат кўнгилдаги зиғир гулидек садоқатдан бошланади. Бинобарин, агар кўнгилда Ватан сурати бор экан, у ҳақдаги қўшиқларнинг сира адоғи бўлмайди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Алимқул ХОНИМҚУЛОВ**
**суҳбатлашди.**

Наманган шаҳридаги Дамбоғ маҳалласида аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Катталар ва болалар амбулаториясида 20 ўринли кундузги даволаш шифохонаси ишлаб турибди. Чойхона, тикувчилик цехи, сартарошхона аҳоли хизматида.







**Суратларда: тикувчи Мунирахон Йўлдошевани барча чевар дея тилга олади; олий тоифали врач Эргашали Умрзоқов кечаю-кундуз маҳалладошларининг соғлиги ҳақида қайғуради; маҳалла сартароши Жамолхон Абдусатторов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## «ҲАВАС-98»

# ТЕННИС—ҲАММА СЕВАДИГАН ЎЙИН

**Фарғона вилоятида «Ҳавас-98» мусобақаси ниҳоясига етди.**

Теннис турмушимизга тобора сингиб бормоқда. Фарғонада вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирокида ўтказилган «Ҳавас-98» мусобақаси ҳам фикримизни яна бир бор исботлади.

Йилдан йилга оммавий тус олиб бораётган бу мусобақа нафақат ташкилий томонлар балки, унда бир қанча раҳбарларнинг, давлат хизматчиларининг муваффақиятли қатнашаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Мусобақа нуфузининг тобора ортиб бораётганлигини яна шундан билиш мумкинки, Фарғона вилоятидаги бу галги учрашувлар асосан учта гуруҳда ўтказилди. Биринчи гуруҳда шаҳар ҳамда туман ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашдилар. Бунда ғолиблик Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари Зафарбек Ҳотамовга насиб этди. Ҳокимлар ўртасида эса Қирғули туманининг ҳокими Виктор Белоноговга тенг келадиган ҳаваскор теннисчи топилмади. У киши ўтган йили қўлга киритган чемпионлик унвонини яна ўзида сақлаб қолди. Шунингдек, вилоят теннис федерациясининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳакимжон Ҳайдаров ҳам мусобақа иштирокчилари ўртасида юқори натижага эришди.

Шундай қилиб «Ҳавас-98» теннис мусобақасининг Фарғонадаги учрашувлари ниҳоясига етди. Ғолиблар 7-8 май кунлари Тошкентда ўтказиладиган республика миқёсидаги баҳсларда иштирок этадилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

